

**9 май - Хотира ва қадрлаш куни олдидан Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов, сектор раҳбарлари, ҳарбийлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар вакиллари бугун яна уч нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси - Термиз туманида яшовчи Кенжа Султонов (“Дўстлик”), Файзи Пўлатов (“Учқизил”) ҳамда Термиз шаҳрилик Шерали Ҳайдаров (“Гулираъно”) хонадонига байрам кайфиятини олиб киришди.**

Вилоят ҳокими ҳар учала уруш фахрийсига давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттириб, 12 миллион сўмдан пул, “Шон-шараф” музейи гумбази устига ўрнатилган ўзбек қаҳрамонларининг ҳайкали тасвирланган эсдалик совғасини топширди.